

SCHOOL CHEMISTRY COURSE BASED ON THE THEORY OF SYDOLOGY  
HYDROLYSIS INDICATORS

B.M.Abdurakhmanov

K.F.N.

Sh..Sharipov

K.F.N.Doc

Gn. Sharipov

Phd

Sh. Giyosov

Gdpi Undergraduate

### ABSTRACT

This article presents the theoretical foundations of methods of implementation based on the theory of indicators in the study of salt hydrolysis processes, mainly in the formation of chemical concepts among students.

**Keywords:** method, chemical concept, substance, substance properties, chemical reactions, educational innovation process.

### АННОТАЦИЯДА

асосан ўқувчилар ўрнатиш жараёнида юзага келган нарсаларни ҳосил қилишда асосларни гидролизлаш жараёнларини ўрганишда индикаторлар назарияси асосида амалга ошириш усулларини назарий асослари.

**Калит сүз:** метод, кимё тушунча, модда, модда хоссалари, кимё реакциялар, таълимий инновацион жараён, индикаторлар ҳосиласи.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изложены теоретические основы методов реализации на основе теории показателей при изучении процессов гидролиза солей в основном при формировании у учащихся химических понятий..

**Ключевые слова:** метод, химическое понятие, вещество, свойства вещества, химические реакции, учебно-инновационный процесс.

### КИРИШ

Бугунги кунда асосан ўқувчиларга кимёвий тушунчаларни шакллантиришда кимёнинг асосий назарияларини ўргатиш орқали амалга оширишда асосан қўйдаги назариялар тақдим этилади. 1.Атом тузилиш назарияси. 2.Эритма назарияси. 3.Электролитик диссоциациянин назарияси. 4.Комплекслар биримлар тузулиш назарияси. 5.Органик

кимёниг тузилиш назарияси мавзуларни ўргатиш жараёнида ўқувчиларга моддаларни тузулиши ва унинг хоссалари ҳамда унда борадиган реакцияларини кимёвий қонунятларига буйсимиши ва уларни саноатда қўллаш орқали янги моддаларни синтезини амалга оширилишга асосланади. Ҳар бир кимёвий назарияни ўрганишнинг албатда ўзига хос хусусиятлари мавжуд, аммо кўпчилик методик жихатлари борки, бу жихатлари кимёвий назарияларини ҳаммаси учун ҳам тааллуқлидир. Ушбу жараёнда кимё ўқитиш жихатлари ёрдамида кимёвий назарияларни тахлил қилиш ва методик жихатдан қай тарзда ва қандай усулда ҳамда қайси технологияларда фойдаланиб ўргатиш кераклигини ўзиёқ умумий методик жараёнларни бири хисобланади. Кўпгина кимёга доир дарслик ва методик қўлланмаларда ҳам шунингдек улуҳ методист олимларимизни кимё ўқитиш тажрибалари асосида назарияларни қандай ўрганиш кераклиги масаласига икки хил методик қарашлари тадбиқ этилмоқда.

Кимё фанини ўқитишда, улуғ кимёгар олимларимиз: М.В.Ломоносов ларни кимёни назарияларини яратишлари ва бу назарияларни методист олимларимиз яъни кимё ўқитиш методикасини фан сифатида шаклланишида россиялик методист олимлардан В.Н.Верховский, П.П.Лебедева, Л.М.Сморгонский, Я.Л.Голдфарб, Ю.Б.Ходаков, С.Г.Шаповаленко, Л.А.Цветкова, И.Н.Черткова, В.С.Полосина, В.П.Гаркунова, Н.Е.Кузнецова, Д.М.Кирюшкина, Г.И.Шелинский, М.С.Пак, О.С.Габриелян ва бошкалар уз хиссаларини күшганликларини асосланиши ва улар тоионидан яратилган методлар ва илк укув-методик материаллар комплекслари, укув дарсликлари, машқ дафтarlари ва уқитиш жараёнида куллашга мулжалланган бошка дидактик манбалар тайёрланган [1-3].

Педагогик технологиялардан таълим сифатини ошириш жараёнида фойдаланишнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш, таълим жараёнида инновацион методлардан фойдаланиш, дарсларда гурухли ва индивидуал усулларни куллаш борасида республикамиз олимларидан Х.Т.Омонов ва уни мактаби томонида анорганик ва органик кимёни методик жихатдан ўқитиш методикаари бўйича анча илмий тадиқотлар ўтказишиб ўзларини илмий назарияларини яратишган. Бу назариялар бугунги кунда кимё ўқитиш методикасини фанида ўз аксини топмоқда. Айниқса кимё таълим мини ўқитишда таълим ва педагогик технологияарни тадбиқ қилиш жараёнлари жадал суратлар билан ревожланмоқда. Кимё фанини ва унинг булимларини ўқитишда дидактик материалларни ишлаб чиқиши ва қуллаш хакида, кимё таълим мини самарали ташкил қилиш ва бошқариш усуллари, кимё фанини уқитишда алгоритмлар ва дастурлардан фойдаланиш, кимё таълим мини ташкиллаштириш шакллари, кимё уқитиш методикаси фанининг бошка фанлар билан боғликлиги, кимё дарсларида инновацион методлардан фойдаланишнинг назарий асосларини урганиш бўйича чет эл олимларидан Э.Г.Полупаненко, В.А.Кузурман, И.В.Задорожний, Э.Е.Минченков, М.С.Пак, Д.К.Бондаренко, С.С.Космодемянская, С.И.Гилманшина кабиларнинг ишлари диккатга сазовордир [4-5].

Рус мактабларида кимё укув курсининг шаклланишида Г.М.Черноблская ва Н.Е.Кузнецованинг хизматлари бекиёсдир [5].

Кимё фани унинг бўлимларини ўқитиш методикасининг Узбекистонда ўрганилиш жараёнини тахлил килар эканмиз, сунгги йилларда профессор Х.Т.Омонов кимё фанини

ўқитиш методикаси соҳасини ривожланишига улкан хисса кушиди. Колаверса, у яратган методик мактаб, кимё фанини ўқитишни такомиллаштириш буйича катор илмий тадқиқотларни олиб борганлар. Шу билан биргаликда кимиёни назарий асосларини яратган олимлари профессор Ҳ.Рахимов, З. Садносирова, О.Содиқов, С. Юнусов, Ҳ.Рустамов, Ҳ.Ўсмонов, М.Асқаровларни яратган биринчи ўзбек тилидаги дарслер ва ўқув қўлланмалари ва уларни ўргатиш методлари кимё фанини ўқитишни назарий асосларини ревожланишига ва уни амалиётга тадбиқ этилишига асос бўлганлигини асослаш орқали ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш қобилятларини шакллантишга олиб келган. Укув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар уртасида узига хос муносабатлар ургатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун хам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йуналтирувчи сифатида майдонга чикади. Педагог аниқ максадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кунинка ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари қерак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кунинка ҳосил килиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психалогик жараён бўлиб, сезги, идроқ, тасаввур, тафаккур кабилар иштироқида боради. Ўқиши талабаларнинг ўзлаштириш, билиш, қобилятлари, фикрлаш операциялари ва харакатларини ҳосил килиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум булган хақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир. Бугунги навотир ўқитувчилармиз кимё ўқитиш жараёнида фани ўқитида шу фаннинг педагогик асосларини билишлар ва уни қай вақтларда қўллаш кераклигини назарий асосларини илмий жихатдан тулиқ билишлари зарур. Ушбу келтирилган графикдан кўриниб турибтики, хар қандай жараёнда талабаларда кимёвий билимларни шакиллантиришда асосан таълим тарбия мақсадлари, методлари, шакллари, воситалари ва натижарига асосланиши аниқланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш, ниҳоятда катта диққат-эътиборни талаб қиласидиган ички зиддиятли жараёндир. Шундай экан, ўқитувчи ёки талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кўзатиши лозим. У педагогик жараёнларни бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини ва ҳар қандай дидактик жараёнда ўқитувчини педагогик маҳоратини қўллаш кўниқмаларни ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Инновацияларгина ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтиради, унинг шахсий қизиқишлигини ички эҳтиёжга айлантиради. Албатта инновацияни ҳосил қилиш ва унга ўқувчи қизиқишини кам ёки кўп бўлиши ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ [1-2]. Таълим турли босқичларда амалга ошади. Биринчи босқич-ўқув материалларини идроқ қилишдан иборат. Бунда талаба таълимнинг мазмунини билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканини тушуниб олади. Бунда сезги, идроқ, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади. Иккинчи босқич-улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар. Учинчи босқич-янги

билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг қўшимча изоҳлари орқали мустаҳкамланади. Туртинчи босқичда-улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиласидилар.

Юқорида келтирилган олимлар ва улар томонидан олиб борилган тадқикотларни таҳдил қиласар эканмиз, уларда кимё фанини ўқитиш шакллари, кимё дарсларида қуллаш мумкин бўлган усуллар ва уларнинг ахамияти изохланганлигини, ўқувчилар билимини баҳолаш буйича қатор кимматли фикрлар берилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Лекин кимё фанини ўқитиш борасида қатор кам тадқик этилган, ушбу йуналишлар борлигини хам таъкидлаш. Бугунги кунда замонавий ўқитувчини шакллантиришимизда асосан ўзиниг маълум қонуниятлари мавжуддир. Келтирилган тадқиқот манбаларга асосан навотир ўқитувчида замонавий дарсларни ташкил этиш орқали кимёвий билимларни шакиллантирда асосан ўз устида тинмай ишлаши фан янгиликларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш орқали шакиллантиришга асосланилади. Бунда ўқитувчи асосан дарс ўтиш усулига ва танлаган методига ёндашади. Бунда асосан аданавий усулларда бериб бўлмаган билимларни ноаннавий усулда, ўқувчиларни эркин ўз фикр ва мулохозаси асосида фикр юритиши асосида ўқувчиларда кимёвий тушунчалар шакллантиришга йўналтирилади.

Ноанъанавий таълим технологиянинг муҳим белгиси-мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Аданавий педагогикада “педагогик мақсад” масаласига назариячилар ҳам, амалиётчилар ҳам кам эътибор беради, мақсад-методик адабиётларда ҳам ноаник ифодаланиб, унга эришиш даражаси ҳам субъектив баҳоланади.

Ноанъанавий таълим технологияда педагогик мақсадни аниклаш асосий муаммо бўлиб, мақсадни диагностик ифодалаш, билим узлаштириш сифатини объектив баҳолаш назарда тутилади. Ниҳоят таълим-тарбия жараёнлари тузилиши ва мазмуни жихатидан яхлитлиги- таълим технологияни ишлаб чиқиши ва амалга оширишнинг муҳим принципи ҳисобланади. Яхлитлик принципи, шунингдек, таълимнинг хар тури буйича булажак педагогик тизимнинг лойихасини ишлаб чиқаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари (чорак, семестр, ўқув йили давомида ҳам, шунингдек бутун таълим давомида ҳам) узаро таъсирида бўлишига эришиш зарур.

Демак, ноанъанавий таълим технология - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмuinи таълим - тарбия ишидан қўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришdir.

Бизнинг талкинимизда касб таълим мининг замонавий ташкилий шаклларида, таълимни ташкил этиш, дарс ва унга қўйиладиган асосий талаблар, жуфтлик ва кичик гурухларга бўлинган холда дарсларни ташкил этиш, касб таълим мининг замонавий ташкилий шакллари хамда ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ килиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алохида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий характерга эга булади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади ва аданавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи дарс утиши учун тузилса, ноанъанавий таълим эса - ўқувчини ўқув-билиш фаолиятининг шакллари ва мазмунини тасвирлайдиган таълим жараёни лойихасини ишлаб чикишни такидлаш зарурдир.

Бунда ўқтувчи қўйдаги тажрибаларни кўрсатиш орқали материяни харакатида янги моддаларни материяда ҳосил бўлишлигини исботлашади.

Кўргазмали тажриба:

1. Спирт лампасида спиртни ёнишини қўрсатиш орқали кўзга кўринмайдиган жараён содир бўлишлиги ва натижадасув моликулалари ва карбонат ангидигиди ҳосил бўлишлигини айтиб, доскага реакция тенгламасини ёзиб қўрсатиш орқали исботлайди. Бунда ўқувчиларда ҳар қандай органик модда ёнганда сув ва карбонат ангидириди ҳосил қилишлигига ишонадилар. Бунда спирт ёниш натижасида бошқа моддага айланиш қуникмаси швклланади, яни спир спирт ёниши натижасида табиатда, уни урнига янги иккита модда ҳосил бўлишлигини сезги органлари билан иникос этишадилар.

2. Стаканга аммиак эритмасидан солиб қиздириш жараёни кўрсатсак, маълум вақт ўтгандан сўнг, стаканда суюқлик қолмаганлигини бунда модда газ ҳолда учуб кетганигини кўришади.

3. Стакандаги кислотага рух металини тасирида маълум вақт ўтиши билан метални йуқ бўлишлигини кўришлари, бир модда маълум вақт ўтиши билан янги модда ҳосил қилиш қуникмалари шаклланади..

3. Стаканга ишқор эритмасидан солиб, уни устига фенофталин эритмасидан қўйамиз ва унда қизил ранг пайдо бўлишлиги ва уни устига кислота эритмасидан томизганимизда эритмани ранги йуқ бўлиб кетишлиги, эритмада янги туз ҳосил бўлишлиги.

5. Кумуш нитрат эритмасига ош тузини эритмасидан тасир эътирилганда оқ чўкма кумуш хлорид эритмасини ҳосил бўлишлиги, янги модда кумуш хлорид ҳосил бўлганлигини реакция тенгламаларини келтириш орқали асосланилади.

6. Форфор чашкага натрий карбонат тўзидан солиб, уни устига аста сикинлик билан хлорид кислотани эритмасидан томизганимизда газ ҳосил бўлишлиги ва тузни ҳаммаси эриб кетишлиги эритмада натрий хлорид ҳосил бўлишлиги. Бунда ўқувчиларда газ ҳосил бўлишлигини кўришлари янги модда ҳосил булаётганлигига ишонч ҳосил қилиш қуникмалари вужудга келади.

7. Стакандаги мис сульфат эритмасига аммиак таъсир эътирилса янги комплекс бирикма ҳосил бўлишлигини эритмани рангини ўзгаришни кўзатиш орқали аниқлаш мумкин. Ушбу тажрибаларни қўрсатиш орқали ўқувчиларда материяни бир турдан бошқа турларга ўтишлигини кўришлари орқали оламни тўзиши хоқидаги тасовурларга эга бўлишадилар. Ўқувчилар кимё курсида моддаларнинг таркиби ва қимёвий хоссаларини тушуниб оладилар, хилма –хил материаллар заррачалар билан –электрон, протон ва нейтронлардан тортиб, юқори молекуляр массага эга бўлган органик бирикмалари билан танишадилар: бунда асосан туйинган ва туйинмаган углеводородлар, кислород тутувчи органик бирикмалар-спиртлар, алъдегидлар, кетонлар, карбон кислоталар, оддий ва мураккаб эфирлар ва нефт заррачалари билан танишадилар. Кимёвий элементларнинг атомлари ўз таркибларининг мураккаблиги ҳар хил даражада бўлишлиги билан фарқ қиласиган заррача эканлигини билиб оладила; органик моддаларнинг энг мураккаблари ҳам ўша кимёвий элементлардан ташкил топганлиги хоқидаги таъсавурларга эга бўлишади. Атрофимиздаги бутун табиат ўша кимёвий элементлардан таркиб топганлигини аниқлаб оладилар. Ўқувчилар кимё курсини кўпгини мавзуларида асосан

эритмаларда борадиган реакцияларда, яни кимёвий реакция турларида, анорганик бирикмаларда, электролитик диссоциацияланиш назариясида, оксидланиш – қайтарилиш реакцияларда, тузлар гидролизида, амфотир эритмаларда ва комплекс бирикмаларни ҳосил бўлишида борадиган кимёвий реакцияларини ўзгаришида кузатишлари мумкин. Шундан, сўнг методист ўқитувчи материяни илмий асосда қуидагича умумий холосалар чиқарадилар:

1. Табиатдаги модда ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқ эканлиги;
2. Табиатнинг узлуксиз суратда ўзгариши ва тараққий этиши;
3. Микдорий ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши;
4. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши тўғрисидаги назарияларни ўқувчиларга очиб беради. Ўқувчилар кимёнинг асосий қонунлари, назарияларини ўрганишлари орқали кимёвий элементларни ҳосил бўлиш жараёниларини ва уларни хоссаларини ўрганиш орқали, даврий қонун ва системасини атом тузулиш нуқтаи назариядан ўрганиш орқали материя доимо харакатда бўлиб ўзгарибтуради, ревожланади ва бу абадий ревожланиш органик оламдагина эмас, балки анорганик оламда ҳам содир бўлади деган умумий холосага келадилар.
1. Тахлил кўникмалари ва танқидий тафакурни ревожлантириш.
2. Назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш.
3. Муаммо юзасидан турли қарашлар йондашувларни намойиш қилиш.
4. Қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларига доир мулохазаларни тақдим этиш. Интерфаол машғулотларни амалда қўллаш бўйича айрим тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи айрим омилларни кўрсатишмиз мумкин. Уларни шартли равишда ташкилий - педагогик, илмий-методик ҳамда ўқитувчига, ўқувчиларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Улар ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини назарда тутишимиз лозим

## ХУЛОСА

Педагогнинг инновацион фаолиятига тайёргарлиги жараёни қуидагича кечади, жумладан: мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш, янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятли ва аниқлик даражасини белгилаш, янгиликни тадбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш ва янгиликни тадбиқ этадиган ташкилотнинг инновацияни қабул қилиш қобилиятига баҳо бериш.

Замонавий тараққиётга мос узлуксиз ривожланиб бораётган кимё ва педагогика таълими талабалар касбий тайёргарлигига янгича ёндашуви бўлғуси ўқитувчиларни педагогик, маданий-маърифий, илмий-тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш; умуммаданий, умумкасбий, фан соҳасидаги компетенцияларни эгаллаш орқали таълим натижаларига эришишни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Кимёнинг асослари асосида талабалар касбий тайёрарлиги сифатини таъминлашнинг интегратив методологияси кимё ўқитишининг назарий ва методик жиҳатдан интеграциялаш орқали амалга оширишлари кўрсатиб ўтилди. Уларнинг кимё асослари асосида касбий-методик

тайёрлаш мазмунини инновацион таълим парадигмалари, кимё таълими назарияси ва амалиётининг тараққиёт тенденциялари, фанга оид компетенцияларини эгаллаш билан боғлиқ кимёвий-методик компетенлигини шакллантириш ташкил этишлиги аниқланди. Кимёвий-методик компетентликда ўқитувчини инновацион қобилиятларини шакллантиришда кимё фани ўқитувчиларини нафақат умуммаданий ва умумкасбий балки, маҳсус (кимё фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фанга оид) компетенцияларини эгаллашни ҳам тақозо этиши ўқувчи талабаларда инновацион фаолияти вужудга келиши орқали кимёвий тушунчаларниг шакиллантиришга йўналтиради.

### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Омонов Х., Т., Хаттабоев М.Б. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳррат. - Тошкент: (Иктисад - Молия), 2016 - 200 б.
2. Ш.Р.Шарипов, Г.Н.Шарифов, Ф.Турдикулова, Б.Ш.Рахмонов Синтез композиционного полимерного материала на основе метакриловый эфира метилпропилэтинилкарбинола\\" Композиционные материалы научные-технические и практические журнал. - 2020. Узбекистан, №4.с 43-45.
3. Ш.Р.Шарипов, Ф.Н.Шарифов, Ф.Турдикулова, Б.Рахманов Кимё фанини ўқитувчисининг креактивлик қобилиятини шакллантириш методлари. Замонавий кимёнинг долзарб муоммалари мавзусида Республика анжумани материаллар тўплами. Бухора, 2020. 216-219.
4. Ш.Р.Шарипов, Г.Н.Шарифов, Н.Абдуллаев, Х.Насимов и др. Радиационная эмульсионная полимеризация ацетиленовых мономеров // Proceedings of the 8 th International Scientific and Practical Conference SCIENTIFIC RESEARCH IN XXI CENTURY OTTAWA, CANADA 6-8.03.2021. с.238-243.
5. G'. N. Sharifov, Sh.R. Sharipov, N.K.Abdullayev, N.Rajaboyeva. Radiation suspension polymerization of acetylene monomers // International Virtual Conference on Science, Technology and Educational Practices Hosted from Gorontalo, Indonesia, February 20th - 21st 2021. C. 213-215.